



METHODS OF FORMATION OF MEDIUM CITY COMMUNITY CENTERS

Khudoyarova MB

Samarkand State Architecture-Building Institutes

V.V. Mamatkulov

Samarkand State Architecture-Building Institutes

A.I. Tokhirov

Samarkand State Architecture-Building Institutes

Annotation

The article discusses the current problems of modern development of medium-sized urban centers and the structures used in the formation and construction of the centers.

Аннотация

Мақолада ўрта шаҳар марказларини замонавий ривожлантиришнинг долзарб муаммолари кўриб чиқилган ва марказларни шакллантириш ва қуришда қўлланилаётган тузилишлар кенг ёритилган.

Аннотация

В статье широко освещены вопросы современного развития и структуры применяемые в формировании и строительстве общественных центров средних городов.

Калит сўзлар: Урбанистика, фазовий тузилиш, марказ –эспланада, чизиқли йўналиш, чегараланган қурилиш, транспорт тугунлари, компонентлар.

Introduction

Шаҳар ва шаҳар маданияти жамиятнинг ривожланишини кўрсатса, марказ – бу шаҳарнинг ижтимоий тараққиётининг ўсишига сезиларли даражада таъсир кўрсатувчи ва ҳозирги кунда мураккаб шаклланаётган, урбанизация деб аталаётган жараёни тўлиқ акс этдиради. Бу боғлиқлик асосида жамиятнинг ривожланиши билан ўзаро алоқада шаҳар марказининг мураккаб тугалланмаган муаммолари ётади.

Шаҳар ва унинг маркази унда бўлаётган ўзгаришларсиз, қотиб қолган ҳолда кўрилиши эскириб, ўтган замонларда қолиб кетди. Шаҳарга вақт давомида тўхтовсиз ўзгариб бораётган инсоният ҳаётининг сфераси сифатида қараш умуман тасдиқланган одат тусига кириб қолди. Шаҳарларнинг ўзгариш сабаблари ўрганилмоқда, бу ўзгариш жараёнини бошқаришнинг турли йўллари ва имкониятлари тақлиф этилмоқда.

Аммо шаҳар ва шаҳар марказлари олимлар, изланувчилар томонидан чуқур ўрганилаётган бўлсада ҳозиргача ҳаёт талаб қиладиган даражада бошқарилмаяпти. Ҳозиргача шаҳар



марказлари ҳудудларининг ривожланиш муаммолари нотўғри ечилиб келинмоқда, муҳим ҳаётий муаммолар вақт давомида ривожланаётган марказнинг архитектуравий кўриниши қарама-қарши ўз ҳолича талқин қилинади, уларни фазовий ташкил қилишнинг турли усуллари муҳокама қилинади.

Шаҳарларнинг бош тархлари узоқ муддатга мўлжалланган бўлиб тўлиқ амалга ошгунча эскиради, марказлар ўзининг чегарасини лойиҳада кўрсатилганидай амалга оширолмайди.

Шаҳарларнинг ўзига хослигини қайта-қайта такрорлаган ҳолда, амалда кўп ҳолларда умумий шаблонлардан узоқга бормаймиз. Мажмуавий қурилишни тан олган ҳолда, кўп ҳолларда мухташам объектларни тарқоқ ҳолда кўрамиз ва ҳоказолар (Самарқанддаги “фемели центр”, Тошкентдаги “Хумо” комплекси ва ҳоказолар). Охирги вақтларда узлуксиз режалаштиришга яъни шаҳар ривожланишининг умумий йўналишини бир вақтнинг ўзида биринчи қуриладиган объектларни қуришга ўтиш кўпроқ ривожланмоқда. Буни ҳозирги кунда Республикамиз шаҳарларининг ривожланишида кўришимиз мумкин.

Шаҳарларни бутун тафсилотларни ўз ичига олган, батафсил тархларини ишлашда келажақда шаҳар ҳудудини кенгайтириш шакллари белгиловчи ва унинг фазовий тузилишига таъсир қилувчи бир нечта композициявий режавий усуллар ажралиб туради. Амалдаги лойиҳаларда бу усулларнинг бир бирига ўхшамаган шаҳарсозлик ситуацияларида умумий тарзда баъзи бир расмий кўринишларга эгаллиги аниқланади ва улар ўзини асосида режалаштириш концепцияси нуқтаи назаридан жуда яқин туради. Бундай такрорланувчи усулларга шаҳар ядросини ташкил қилишнинг марказ эспланада кўриниши, умумшаҳар миқёсидаги объектларнинг шаҳарда тугунли тизим сифатида ривожлантириш таклифлари, яхлит режалаштириш схемаларини қўллаш усуллари киритилиши мумкин. Биз ушбу мақолада аҳолиси 500 минггача бўлган шаҳарларда қўлланилаётган усул ҳақида фикр юритамиз.

Шаҳарни марказ –эспланада кўринишида ва чизиқли режалаштириш аниқ бир шаҳарсозлик концепциясига айланди. Марказ –эспланадаларнинг аниқ бир таркиби аниқланган. Бунга қурилишни чегараловчи баланд бинолар, майдонлар кўп сатҳли мажмуалар, монументлар, кичик шакллар ва ландшафт архитектураси элементлари, шаҳар ва табиий атроф муҳит киради. Марказ –эспланадалар ўзига хос усул бўлиб шаҳар марказини чизиқли тузилишидан иборат бўлиб кенг эркин фазо қурилиши билан қўшилиб кетган эспланада кўринишини ташкиллаштиради. Бу усул ўзининг табиий иқлим шароитлари ва аҳолининг сони билан ажралиб турувчи турли шаҳарларнинг марказини шакллантиришда кенг тарқалган. Бу тузилишнинг умумий шаҳар маркази ролини бажарувчи сифатида ажралиб кўринишини шартли равишда ифодалаш учун марказ – эспланада тушунчаси киритилган.

Бу моделнинг характерли хусусияти маълум чегараланган қурилишни ва транспорт магистраллари билан узайтирилган пиёдаларнинг фазовий маконларини эркин турувчи бинолар ва кенг қўламдаги кўкаламзорлаштиришдан иборат. Бу фазовий макон (эни 100-500 м, узунлиги 1000 -1500м) ҳудудни эгаллаши бўйича нисбатан зичлиги кўп қурилиш бўлмаган макондан иборат.



Расм – 1.Марказ-эспланадаларнинг вариантлари.(Андижон шаҳри марказининг ривожланиш концепцияси)



Расм -2 Марказ –эспланадаларнинг ҳажмий –режавий компонентлари(Нукус шаҳри марказининг ривожланиш концепцияси)

Юқорида кўрсатилган компонентлар марказ-эспланаданинг архитектуравий қиёфасини шакллантиради.

Чегараловчи қурилиш эспланада фазосининг ўлчамларини белгилайди ва шаҳарнинг ўзига хос ички фасадини шакллантиради. У икки ҳолатда амалга оширилади. Биринчиси марказ қурилиши оддий кўчаларда жамоат иморатлари қурилиши фақат фон ва эспланада фазосининг ҳақиқий чегараси бўлиб қолади (Жиззах, Қарши). Иккинчиси эспланада фазоси чегараланади ва марказнинг ўзининг бинолари билан шакллантирилади.(Расм -1, 2).

Баланд бинолар марказ эспланадаларда икки хил ролни бажаради. Биринчи бундай биноларнинг композициявий функцияси –айнан шу режавий шакллантирилган жойнинг композициявий ўқини аниқлаш. (Расм -1) Иккинчиси марказ силуетини шакллантиришга йўналтирилган. Кўп қаватли биноларга ҳокимият ва маъмурий бинолар, меҳмонхоналар, банклар, информацион техник бинолар ва ҳоказолар киради. Улар эспланаданинг турли



участкаларида жойлашиб марказ композициясида ритмик тартиб ўрнатишади, қурилишнинг масштабида бошловчи ролни бажаришади ҳамда ташриф буюрувчиларга узоқдан кўринадиган ориентир бўлиб хизмат қилишади. (Расм-2).

Марказ-эспланаданинг майдони архитектуравий ривожланиши ва вазифаси бўйича турли хилда бўлади. Уларнинг ичида бошловчи ролни шаҳарнинг асосий майдони –жамоат форуми ўтказиладиган жой ҳисобланади. Майдон ўлчамлари ва режавий тузилишдаги жойи билан ажралиб туради. Бундай майдонларнинг ўлчамларининг катталиги уларда ўтказиладиган байрам намоишлари, спорт намоишлари жамоавий байрамлар билан аниқланади.

Марказ –эспланада таркибида махсус майдонлар савдо майдони йирик савдо мажмуалари олдида, маъмурият бинолари олдида, маданият маърифат бинолари олдида, спорт майдонлари спорт мажмуалари олдида ва декоратив майдонлар бўлиши мумкин. Ҳамма майдонларнинг умумий тафсифи уларнинг эспланада фазовий макони билан бирликда ва унга қараб очилиши ҳисобланади.

Кўп сатҳли мажмуалар зич ва узлуксиз қурилишдан шаклланади. Бундай мажмуалар қурилиш вазифасини ролини бажарувчи сифатида эспланадани бир ёки икки томондан чегараловчи, баъзида магистралларни кесишган жойининг устида лойиҳаланади. Улар одатда узайтирилган иншоотлар бўлиб эспланада фазосини шакллантирувчи маълум бир участкасида лойиҳаланади (500 -1800м). (Расм -3).




Транспорт тугунлари устида жойлашадиган кўп сатҳли мажмуалар ихчам ёки чизиқли бўлишига қарамай эспланаданинг катта бўлмаган қисмини ташкил этади. Шунинг учун марказнинг умумий композициясида унча аҳамиятга эга эмас.

Республикаимиздаги ўрта шаҳарларнинг ривожланишида чизиқли йўналтирилган усул кўпроқ қўлланилаётганини кўрамиз. Бу усулда аҳолига хизмат қилувчи маъмурий маданий, савдо ва



маиший хизмат бинолари шаҳарни узунлиги бўйича марказ ҳудудини боғлаб турган асосий кўча атрофида жойлаштирилган. (Расм -4)



Расм -4. Жиззах шаҳри Ш.Рашидов кўчаси.1-маъмурият маркази, 2-маданият маркази, 3-шаҳар ҳокимияти, 4-турар жойлар савдо дўконлари билан, 5-жамоат бинолари, 6-меҳмонхона биноси, 7-дам олиш жойлари

Кўчани чегараловчи кўп қаватли турар жой биноларининг биринчи ва иккинчи қаватларида савдо ва маиший хизмат муассасалари қурилган. Маъмурият бинолари олдида шаҳар миқёсидаги тадбирлар ўтказиладиган кенг майдон шакллантирилган. Кўчанинг иккинчи тарафида маъмурият мажмуаси рўпарасида маданият марказини шакллантирувчи театр биноси жойлаштирилган. (Расм -5,6)



Расм -5 Маъмурият биноси



Расм -5 Муסיқали драма театри



Унинг давомида “Ўзбекистон” меҳмонхонаси ҳудудида Ш. Рашидов монументи атрофида дам олиш боғи амалга оширилган. Бу учта мажмуа бир бири билан узвий боғланиб шаҳар марказини ядросини ташкил этади. (Расм-7)



Расм-7 “Ўзбекистон” меҳмонхонаси

Кичик шакллар, ландшафт архитектураси элементлари, монументлар –марказ эспланаданинг ва чизиқли йўналишдаги композициявий тузилишининг ажралмас қисми ҳисобланади. Монументлар турли ғоявий мазмунни тарғибот қилган ҳолда бош жамоат марказларини майдонини шакллантиришда қатнашади ва бинолар билан биргаликда марказни бадий кўринишини белгиловчи элемент бўлиб қолади. Ланшафт архитектураси ва кичик шакллар ҳудуд қурилишининг барча очиқ зоналарини декоратив безаклашга хизмат қилади. Уларнинг ёрдамида дам олиш зоналари, пиёдалар юриши ҳаракати шакллантирилади. Кўкаламзорлар, фавворалар, бассейнлар, йўлларни декоратив теришлар, марказда аҳолига қулай шароитларни яратиб беради, лойиҳада марказнинг эстетик кўриниши сифатини оширади. Улар марказнинг умумий композициясида боғловчи элементларни ташкил этади.

Бу компонентларнинг барчасини битта мажмуада бажариш марказ –эспланаданинг ҳудуди катта ўлчамда бўлганда амалга ошириш мумкин.

Хулоса. Ҳозирги кунда Республикамиз шаҳарларини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Андижон шаҳри, Асака шаҳри, Хоразм вилоятининг Гурлан тумани марказларининг лойиҳасида марказ-эспланада усули қўлланганлиги кўринади. Аммо барча мавжуд шаҳарларимизда Жиззах, Қарши, Термиз ва бошқа шаҳарларда марказий кўча бўйлаб жамоат бинолари чизиқли йўналишда амалга оширилмоқда. Жамоат марказлари маъмурият, маданият ва маърифат бинолари олдидаги майдонлар олдида шаклланган. Савдо ва хизмат қилиш объектлари кўчанинг икки тарафида йул бўйлаб жойлаштирилган. Шаҳар марказини бундай ривожлантириш объектларни асоссиз тарқалиб жойлаштиришга сабаб бўлади ва аҳолига хизмат кўрсатишда маълум қийинчиликларни туғдиради. Шу сабабли бугунги кунда



шаҳарсозлик концепциясини яратишда архитекторлар олдида бир қатор муаммоларни ечиш зарурияти пайдо булмокда.

Фойдаланилган Адабиётлар

1. Исамухамедова Д.У. “Шаҳарсозлик асослари”. Ўқув қўлланма. Т, 2000 й
2. Худоярова М.Б. Аҳоли пунктлари жамоат марказлари. Ўқув қўлланма. “Zarafshon” нашриёти. Самарқанд, 2019.
3. “Концепция развития градостроительства Узбекистана в условиях формирования новых социально-экономических отношений”. Т, Издательство ТАСИ. 2008 г.
4. Пронин Е.С. Формирование городских центров. Москва. Стройиздат, 1983
5. ШНҚ 2.07.01 – 03* Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Тошкент, 2012.